

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Корхоналар фаолиятининг хавфсиз шароитларини стандартлар тизими.

**ТУРИСТИК ИНДУСТРИЯ ОБЪЕКТЛАРИДА ХАВФСИЗ ТУРИСТИК
ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА ДОИР ТАВСИЯЛАР**

Расмий нашр

**ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ
ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ**

Тошкент ш.



Сўз боши

1 “Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институти” давлат муасссаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг “Туризм хизматларини сертификатлаштириш маркази” Давлат унитар корхонаси томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ ва ТАСДИҚЛАШГА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ.

2 Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (“Ўзстандарт” агентлиги)нинг 2020 йил 6 августдаги 05-1196-сонли қарори билан ТАСДИҚЛАНДИ.

3 Ушбу стандарт Саёҳат ва туризм бўйича халқаро кенгашнинг (WTTC) “Safe Travels: Global Protocols & Stamp for the New Normal” баённомалари, Испаниянинг “Medidas para la reducción del contagio por el coronavirus SARS-CoV-2 Instituto para la Calidad Turística Española (ICTE)” хужжати ва Туркиянинг “Assessment form on Covid-19 and hygiene practices applied during pandemic for accommodation and food & beverage facilities” хужжатлари асосида ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ.

4 ДАСТЛАБКИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ

Ушбу стандартни ва унинг ўзгартишларини Ўзбекистон ҳудудида жорий этиш (амалини бекор қилиш) ҳақидаги ахборот “Ўзстандарт” Агентлиги томонидан нашр этиладиган кўрсаткичда чоп этилади. Ушбу стандартни қайта кўриб чиқиш (ўзгартириш) ёки бекор қилиш ҳақидаги мувофиқ ахборот “Ўзстандарт” агентлиги томонидан нашр этиладиган ахборот кўрсаткичда чоп этилади. Ушбу стандартни қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқувчи томонидан тақдим қилиниши мумкин.

Ушбу стандартни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳукуқи Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигига тегишли.



МУНДАРИЖА

1	Қўлланиш доираси	1
2	Меъёрий ҳаволалар	1
3	Атамалар ва таърифлар	2
4	Туристик индустрия объектлари ва унда кўрсатиладиган хизматларга доир умумий талаблар	2
5	Ходимларга доир талаблар	4
6	Хизмат кўрсатиш объектида тозалаш ва дезинфекция ишларини олиб боришга доир талаблар	5
7	Туристик индустрия объектларида хизмат кўрсатишга доир махсус талаблар	5



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ СТАНДАРТИ
Корхоналар фаолиятининг хавфсиз шароитларини стандартлар тизими.

ТУРИСТИК ИНДУСТРИЯ ОБЪЕКТЛАРИДА ХАВФСИЗ ТУРИСТИК
ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА ДОИР ТАВСИЯЛАР

Система стандартов безопасных условий деятельности предприятий.

РЕКОМЕНДАЦИИ К ОКАЗАНИЮ БЕЗОПАСНЫХ ТУРИСТСКИХ
УСЛУГ В ОБЪЕКТАХ ТУРИСТСКОЙ ИНДУСТРИИ

System of standards for safe conditions of enterprises.

RECOMMENDATIONS FOR THE PROVISION OF SAFE TOURISM
SERVICES IN TOURISM INDUSTRY FACILITIES

Жорий этиш санаси: 10.08.2020 йил

1 Қўлланиш доираси

1.1 Ушбу стандарт инфекцион касалликларнинг оммавий тарқалиши (эпидемия, пандемия) ва ундан кейинги даврда туристик индустрия объектлари (кейинчалик мантда – объект) ишчи ва ходимларининг саломатлигини ҳимоя қилиш учун мақбул меҳнат шароитини ва меҳнат жараёнини ташкил этиш, профилактик тадбирларни амалга ошириш, туристларнинг саломатлигини таъминлаш мақсадида уларга санитария-гигиеник хавфсиз хизмат кўрсатиш бўйича тавсияларни ўз ичига олади ва қўлланилишда ихтиёрийлик касб этади.

Ушбу стандартдаги тавсиялар туристик индустрия объектларида, жумладан жойлаштириш воситалари, транспорт, умумий овқатланиш объектлари ва кўнгилочар, маърифий, ишбилармонлик, даволаш-соғломлаштириш, жисмоний тарбия-спорт объектларда тақдим этиладиган хизматларга татбиқ этилади.

Ушбу стандарт туризм хизматларини тақдим қиладиган ташкилотлар томонидан қўлланиши учун мўлжалланган.

1.2 Стандарт объектларни текшириш, баҳолаш ёки тан олиш вақтида ҳам қўлланилиши мумкин.

1.3 Ушбу стандарт талабларига мувофиқ сертификатлаштирилган объектларга махсус танитиш белгиси тақдим қилинади.

2 Меъёрий ҳаволалар

Ушбу стандартда куйидаги норматив ҳужжатга норматив ҳаволадан фойдаланилган:

O'z DSt 3487:2020 Дезинфицирующий тоннель. Технические условия

Расий нашр



Изоҳ – Мазкур стандартдан фойдаланганда ҳавола қилинган стандартларнинг (таснифлагичларнинг) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда эканлигини жорий йилнинг 1 январига тузилган стандартлар (таснифлагичлар) кўрсаткичи бўйича ва жорий йилда чоп этилган тегишли ахборот кўрсаткичлари бўйича текшириш зарур. Агар ҳавола қилинган ҳужжат алмаштирилган (ўзгартирилган) бўлса, у ҳолда мазкур стандартдан фойдаланганда алмаштирилган (ўзгартирилган) ҳужжатга амал қилиш керак. Агар ҳавола ҳужжати алмаштирилмасдан бекор қилинган бўлса, у ҳолда бу ҳужжатга ҳавола берилган қонданинг ушбу ҳаволага дахлсиз қисми қўлланилади.

3 Атамалар ва таърифлар

Ушбу стандартда қуйидаги атамалар тегишли таърифлари билан қўлланилган:

3.1 туристик индустрияси: Жойлаштириш воситалари, транспорт, умумий овқатланиш объектлари ва кўнгилочар, маърифий, ишбилармонлик, даволаш-соғломлаштириш, жисмоний тарбия-спорт ҳамда бошқа мақсадга мўлжалланган объектлар, туристик фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар, экскурсия хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар мажмуи, шунингдек экскурсия етакчиларининг, гидлар (гид-таржимонлар) ҳамда йўриқчи-йўл бошловчиларнинг хизматлари мажмуи туристик индустриядир.

3.2 ижтимоий масофа: Шахсларнинг ўзаро 2 м дан кам бўлмаган масофада туриши.

3.3 шахсий ҳимоя воситалари: Ходимга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимояланиш учун фойдаланиладиган техник воситалар ва бошқа воситалар.

3.4 “Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED” тизими: (UzSTG): Туристтик индустрия объектлари ҳамда туристик хизматларда санитария-гигиеник хавфсиз хизмат кўрсатиш талабларини белгилаш, жорий қилиш ва баҳолашга доир ишлар мажмуи.

3.5 “дезинфекция тўсиғи”: Транспорт воситаларини дезинфекциялаш учун мўлжалланган ва дезинфекция эритмаси билан ишлов бериш учун қўлланиладиган техник қурилма.

3.6 “дезинфекция тўшамаси”: Дезинфекция ишларини ўтказиш учун мўлжалланган полга қўйиладиган қоплама.

3.7 “дезинфекцияловчи тунел”: Устки кийимлар, оёқ кийимлар, қўл юзалари ва одамнинг очиқ тери қопламини дезинфекциялаш мақсади билан суяқ дезинфекцияловчи воситаларни майда дисперсион аэрозолларини олиш учун мўлжалланган дезинфекцияловчи тунел.

3.8 “махсус маълумот тахтачалари (плакатлар)”: Мижозлар ва ходимларга ижтимоий масофани сақлаш, қўлларни тез-тез ювиб туриш, тиббий ниқоб ва қўлқоплардан фойдаланиш ва бошқалар акс эттирилган маълумотлар.

4 Туристтик индустрия объектлари ва унда кўрсатиладиган хизматларга доир умумий талаблар

4.1 Бошқарувга доир талаблар

4.1.1 Туристтик индустрия объектлари хавфни баҳолаш асосида



фавкулудда вазиятларда ҳаракат қилиш режасига эга бўлиши керак ва бу режада инфекция юқиши хавфини пасайтириш учун кўриладиган муайян чоралар батафсил кўрсатиб ўтилиши керак.

4.1.2 Объектда UzSTG тизими жорий қилинган бўлиши ва ушбу тизим бўйича ўзининг ички ҳужжатларига (йўриқнома) эга бўлиши керак.

4.1.3 Объектда тиббий хизмат кўрсатиш пункти ташкил қилиниши керак.

4.1.4 Мижозлар сони объект умумий сиғимининг 50 % дан ошмаслиги керак.

4.1.5 Ёпиқ жойлардаги тадбирларни, бассейнлардаги контактли спорт тадбирларини ўтказишни ва очиқ ҳаво ёки хонада турли тадбирларни ўтказишни тўхтатиш лозим.

4.1.6 Шубҳали симптомлари бўлган меҳмонларни изоляция қилиш ҳолати учун аниқ миқдордаги жойлар (номерлар, хоналар) кўзда тутилган бўлиши зарур.

4.1.7 Жамоат жойларида (қабул қилиш ва жойлаштириш бўлими устуни, ресторан, ҳожатхона, касса олдида ва ҳоказо) мижозлар ва ходимлар ўртасида ижтимоий масофа таъминланган бўлиши керак.

Изоҳ – 4.1.3 - 4.1.7 бандлардаги талаблар пандемия ёки карантин сабабли чеклаш тадбирлари амалга оширилганда қўлланилади.

4.1.8 Объектда умумий санитария-гигиена қоидалари, ҳамда пандемияга қарши чораларни амалга оширилишини назорат қилиш учун ўрта ёки юқори бўғимдан масъул шахс тайинланган бўлиши керак.

4.1.9 Тозалаш, дезинфекциялаш ва дезинсекциялаш режаси ишлаб чиқилиши ва уларнинг бажарилиши журналларда қайд қилиб бориш оқали назорат қилиниши керак.

4.1.10 Объектдаги хизмат хоналари ва жамоат фойдаланиш жойларида дезинфекцияловчи воситаларни қўллаган ҳолда ҳар куни (ҳар сменада) намли тозалов ўтказилиши керак. Ҳар 2-4 h да барча контакт юзаларни дезинфекциялаш зарур: эшик дасталари, тўсинлар, столлар юзалари, стулларнинг суянчиқлари, оргтехникалар.

4.1.11 Тана ҳарорати кўлами белгиланган чегарадан ортгани аниқланда, қўлланиши зарур бўлган чоралар ишлаб чиқилиши ва масъул шахслар таништирилиши керак.

4.1.12 Дезинфекция учун эритма тайёрлаш йўриқномаси ишлаб чиқилиши ва масъул ходимлар таништирилиши керак.

4.1.13 Фавкулудда ҳолатларда мурожаат қилиш учун боғланадиган телефон рақамлари кўринарли жойда жойлаштирилиши керак.

4.1.14 Объектларда ишлатиладиган барча санитария-гигиена маҳсулотлари мувофиқлик сертификатига ёки гигиеник сертификатга эга бўлиши керак.

4.1.15 Объектнинг барча қаватларида, йўлакларда кўринадиган жойларда махсус маълумот тахтачалари (плакатлар) ўрнатилган бўлиши керак.

4.2 Фаолиятга доир талаблар

4.2.1 Рўйхатга олиш имкон қадар онлайн тарзда ташкиллаштирилиши



лозим.

4.2.2 Меҳмонларни номерларга жойлаштиришда оилавий меҳмонлар сони 3 нафардан, бошқа меҳмонлар сони 1 нафардан ошмаслиги керак.

4.2.3 Объектлар ҳароратни ўлчаш учун контактсиз термометрга эга бўлиши керак. Ҳар куни ходимлар ва мижозлар тана ҳарорати [1] га биноан ўлчаниши керак.

4.2.4 Объектнинг ҳар бир кириш жойида ташриф буюрувчилар учун O'z DSt 3487:2020 бўйича юзалар ва кийим матосига шикаст етказмайдиган дезинфектантли “дезинфекцияловчи тунел”, “дезинфекция тўшамалари”, транспортлар учун “дезинфекция тўсиқлар” жойлаштирилган бўлиши керак.

4.2.5 Объектлар, ўзаро алоқа вақтида ходимлар ва мижозлар томонидан қўлланилиши учун, ҳимоя ниқоблари билан таъминланган бўлиши керак. Ходим мижоз билан бевосита алоқада бўладиган жойда ижтимоий масофа ҳисобга олинган бўлиши керак. Ниқоблар ҳар 2 h да алмаштирилиши керак.

Агар ижтимоий масофа талабини бажариш имконияти бўлмаса, ходимлар ва мижозларнинг ҳимоясини таъминлаш учун ҳимоя экранини ўрнатиш керак. Ҳимоя экранини ҳар 2 h да дезинфекция қилиниши керак.

4.2.6 Объект қўлларга ишлов бериш жойлари, ювиш ва дезинфекция қилиш воситалари, шунингдек бошқа воситалар захирасини [1] га биноан ташкиллаштирилиши керак. Объектлар қўлларга ишлов бериш учун контактсиз санитария-гигиена жиҳозлари ва воситалари (совун, дезинфекция эритмалари, антисептиклар) билан таъминланган бўлиши керак.

Изоҳ – 4.2.3 - 4.2.6 бандлардаги талаблар пандемия ёки карантин сабабли чеклаш тадбирлари амалга оширилганда қўлланилади.

4.2.7 Объект мижозлар учун кўринарли бўлган жойларда ўзбек, инглиз ва рус тилларидаги санитария-гигиена меъёрларига риоя қилиш, ишлатиб бўлинган шахсий ҳимоя воситаларини утилизация қилиш бўйича маълумотларни (босма материаллар, видеороликлар) жойлаштирилиши керак.

4.2.8 Объектдаги ҳар бир ҳудудда (кутиш жойлари, номерлар, овқатланиш жойлари, спорт заллари, бассейн ва сауна ва б.) мижозлар амал қилиши лозим бўлган талаблар ишлаб чиқилган ва кўринарли тарзда жойлаштирилган бўлиши керак.

4.2.9 Ходимлар кийимини алмаштирилиши учун жойлар ташкил қилиниши керак ва уларда [1] га биноан ижтимоий масофа, кийимларни сақлаш учун жой сони ва усули ҳисобга олинган бўлиши керак.

4.2.10 Мижозларга шахсий фойдаланиш учун тақдим этилаётган воситалар герметик ўрамда бўлиши керак.

Изоҳ – 4.2.9 - 4.2.10 бандлардаги талаблар пандемия ёки карантин сабабли чеклаш тадбирлари амалга оширилганда қўлланилади.

5 Ходимларга доир талаблар

5.1 Барча ходимлар учун [1] асосида ўқув машғулоти ташкил қилиниши ва янгиланган маълумотлар асосида доимий тренинглари ўтказиб борилиши керак.



5.2 Иш фаолияти давомида ходимлар ўртасида ижтимоий масофа таъминланиши, шахсий гигиенага амал қилиниши, ҳимоя ниқоблари, қўлқоплардан фойладанилиши керак.

5.3 Кийим алмаштириш хоналарида, ошхоналарда, дам олиш хоналарида ва бошқа жойларда ходимларнинг йиғилишига йўл қўйилмади ва ижтимоий масофа сақланиши зарур.

6 Хизмат кўрсатиш объектида тозалаш ва дезинфекция ишларини олиб боришга доир талаблар

6.1 Умумий фойдаланишдаги жамоат жойлари дезинфекция воситалари билан тозаланиши, ҳар икки соатда шамоллатиб турилиши лозим.

6.2 Хизмат кўрсатиш объектлари ва улардаги сервис жиҳозлари [1] га биноан тозаланиши ва дезинфекция қилиниши лозим.

6.3 Чиқинди челақлари ва ишлатиладиган бошқа тозалаш воситалари ҳамда чиқинди учун ажратилган жойлар кунига камида бир марта сертификатлаштирилган дезинфекция воситалари ёрдамида тозаланиши лозим.

6.4 Мебелларнинг матоли қопламалари буғ ёрдамида дезинфекция қилиниши лозим.

6.5 Тозаловчи кимёвий воситалар ва жиҳозлар алоҳида сақланиши керак.

7 Туристик индустрия объектларида хизмат кўрсатишга доир махсус талаблар

7.1 Жойлаштириш воситалари

7.1.1 Жойлаштириш воситасига келган ҳар бир ниқобсиз мижозга бир марталик ниқоб ва қўлқоп тақдим қилиниши шарт.

7.1.2 Қабул қилиш бўлими (ресепшен) ҳимоя экрани билан тўсилган бўлиши лозим.

7.1.3 Жойлаштириш воситаси ҳудудида жойлашган савдо ва маиший объектларда санитария-гигиена талабларига риоя қилиниши лозим.

7.1.4 Номерлар бир марта ишлатиладиган материаллар (шампунь, совун, душ учун қалпоқчалар, стаканлар, ликобчалар, ошхона анжомлари ва ҳ.к.) билан жиҳозланиши керак.

7.1.5 Буфет усулида овқат тақдим қилинганда мижозларга хизмат кўрсатувчи ходим тайинланиши ва фақат шу ходим томонидан таомлар тақдим қилиниши керак. Мижозлар таомларга тегиниши таъқиқланади.

7.1.6 Номерда хизмат кўрсатиш амалга оширилаётганда овқат ташиш аравачаси тўлиқ дезинфекция қилиниши ва овқат усти ёпиқ ҳолда олиб борилиши керак

7.2 Умумий овқатланиш объектлари

7.2.1 Озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиш, ишлов бериш, тайёрлаш ва етказиб бериш вақтида уларнинг хавфсизлигига доир талаблар белгиланган бўлиши ва амал қилиниши лозим.

7.2.2 Ошхонадаги барча маҳсулотлар тоза ва озиқ-овқат маҳсулотлари



учун хавфсиз ускуналар ҳамда ёпиқ идишларда сақланиши лозим.

7.2.3 Ошхона омборхоналари маҳсулотлар гуруҳларини ва уларнинг айниш хавфларини ҳисобга олган ҳолда режалаштирилиши керак.

7.2.4 Ошхона омборхоналарининг ҳарорати ва намлиги ўлчаб турилиши ҳамда текшириш ҳисоботлари юритилиши лозим. Қайд қилинган ҳарорат ва намлик ўлчашлари малакали мутахассис томонидан текшириб борилиши керак.

7.2.5 Ошхонада чиқиндилари саранжом жойланган ҳолда сақланиши (челакларда ва ҳ.к.) ҳамда тўғри утилизация қилиниши керак.

7.2.6 Ошхонадаги идиш ювиш ҳудудида ишлатилган ва тоза идиш учун алоҳида жой ажратилган бўлиши лозим. Ошхона жиҳозлари жойлаштирилган токчалар озода сақланиши керак.

7.2.7 Иссиқ ичимликлар автоматлари ва савдо автоматларидан фойдаланмаслик тавсия этилади. Фойдаланилган тақдирда иссиқ ичимликлар автоматлари ва савдо автоматлари тартибга солинган вақт оралиғи давомида дезинфекцияланиши, шунингдек диспенсерлар олиб ташланиши ва сув герметик қадокларда узатилиши таъминланиши мақсадга мувофиқ.

7.2.8 Меҳмонлар учун жойларда столлар ораси камида 2 m ва стуллар ораси 0,6 m масофада жойлаштирилган (шахмат усулида) бўлиши лозим.

7.2.9 Хизмат кўрсатиш вақтида ҳар бир мижоз учун бир марталик қоғоз менюдан фойдаланилиши ва фойдаланилган меню ташлаб юборилиши керак.

Юзаси ламинация қилинган кўп марталик менюга ҳар гал фойдаланилгандан кейин, электрон менюга эса ҳар 2 h да дезинфекция воситалари билан ишлов берилиши лозим.

7.2.10 Столда бир марталик идишларга/қадокларга жойланган шакар, туз, мурч, тиш тозалагич, салфеткалардан фойдаланиш лозим.

7.2.11 Ҳар бир меҳмондан кейин овқатланиш столлари ва мебеллар, стол усти (бир марталикдан ташқари) таркибида спирт бўлган тозалаш воситалари билан тозаланиши шарт.

7.2.12 Буфет усулида таомлар тақдим қилинганда овқат усти ёпиқ ҳолда бўлиши керак.

7.2.13 Буфет усулида овқатланишда мижозларнинг бир столдан иккинчи столга ўтиши ман этилади.

7.2.14 Умумий овқатланиш объектларида жойлашган болалар ўйин майдончаларидан фойдаланиш учун ваколатли орган томонидан рухсат берилган бўлиши ва ҳар доим унинг кўрсатмаларига риоя этилиши керак. Ўйин майдончаларида тозалаш ва дезинфекция қилиш оралиғи жойлардаги каби белгиланган бўлиши керак.

7.2.15 Ўйин майдончаларига кириш жойларида гигиена чора-тадбирлари (қўлларни ювиш ёки дезинфекцияловчи эритмадан фойдаланиш жиҳозлари) ташкил этилиши керак.

7.2.16 Болаларни назорат қилиш бўйича жавобгар шахслар қатъий гигиена қоидаларига риоя этишлари, шунингдек тез-тез қўлларни ювиши/дезинфекция қилиши лозим.



7.3 Транспорт воситалари

7.3.1 Кичик ҳажмли, қадоқланган бутилкадаги ёки бир марта ишлатиладиган бутилкалардаги сув билан таъминланиши лозим.

7.3.2 Ташиладиган йўловчилар сони чекланган бўлиши ва қатнов вақтида йўловчилар шахмат усулида жойлаштирилган бўлиши лозим.

7.3.3 Транспорт хизматини кўрсатиш вақтида мижозларга индивидуал ўрамдаги бир марта ишлатиладиган ниқоб ва қўлқоп таклиф этилиши лозим.

7.3.4 Ҳар бир қатнов амалга оширилгач транспорт воситалари тўлиқ дезинфекция қилиниши керак.

7.4 Сув ҳавзалари

7.4.1 Очiq ва ёпиқ сув ҳавзаларида хлор даражаси 0,2-0,5 mg/d³ миқдорида бўлиши лозим.

7.4.2 Сув ҳавзаларида бир вақтда бўлган шахслар сони сув ҳавзаси сифимини инобатга олган ҳолда (сув ҳавзасининг 3 m² майдонига 1 та одам) чекланиши лозим.

7.4.3 Бассейнлар ёнида ва пляжларда жойлашган ҳожатхоналар, душ кабиналари ва кийим алмаштириш кабиналари дезинфекция воситалари билан тозаланиши керак.

7.4.4 Меҳмонлар ҳаммом, сауна, буғ ваннаси ва бошқа жойларда максимум 30 min бўлиши, кейинги тозалашнинг минимум давомийлиги 15 min оралиқ билан чегараланиши лозим.

7.4.5 Бассейн ҳудудига фақат бир марталик идишлардаги ёки махсус қадоқланган озиқ-овқат маҳсулотларини киритишга рухсат этилади.

7.5 Спорт ва соғломлаштириш объектлари

7.5.1 Процедура хоналари доимий тозаланиши ва дезинфекция қилиниши лозим.

7.5.2 Ювиниш жойларида бир марталик материаллардан (душ учун қўлқоп, совун, душ учун гель, шампунь ва бошқалар) фойдаланилиши керак.

7.5.3 Тренажер хоналари ва фитнес марказларидаги ускуналар орасида ижтимоий масофага риоя қилинган бўлиши керак.

7.5.4 Спорт заллари ва Spa марказларида ҳавонинг тегишли сифати таъминланиши ва хоналар кунига бир неча марта шамоллатиб турилиши керак.

7.6 Оммавий тадбирларни ўтказиш

7.6.1 Оммавий тадбирлар [1] га мувофиқ ташкиллаштирилиши ва очiq майдонларда ўтказилиши лозим. Иштирокчилар сони 50 кишидан ортмаслиги назорат қилиниши керак.

7.6.2 Конференция залларида ташкил қилинган тадбирларда 20 m² га 8 киши ҳисобига майдон инобатга оlinиши керак. Барча талабларга (ниқоб, масофа, гигиена) амал қилиниши назоратга оlinиши керак.

7.6.3 Тадбир вақтида сувдан ташқари ҳеч нарса истеъмол қилиш мумкин эмас. Тадбир вақти имкон қадар қисқа бўлиши, агар тадбир чўзилса танаффус эълон қилиниши ва ойналарни очиб хонанинг ичи шамоллатилиши керак.



Вентиляция тизимлари ташқаридан тоза ҳаво кирадиган қилиб тартибга солинган бўлиши керак. Ёпиқ хоналарда ниқобдан фойдаланиш зарур.

7.7 Лифтлардан фойдаланиш

7.7.1 Лифтдан фойдаланганда ижтимоий масофага риоя қилиш бўйича махсус маълумот тахтачалари (плакатлар) мавжуд бўлиши керак.

7.7.2 Имкон қадар инсонларнинг лифтлардан фойдаланишларини минималлаштириш лозим. Бунинг имкони бўлмаган ҳолатларда ижтимоий масофа қоидаларига мувофиқ юк кўтариш қобилиятининг максимал даражада учдан бир қисмига рухсат этилади ва йўловчилар сони лифтга киришда кўрсатилиши керак.

7.7.3 Лифтларга киришда қўлларни тозалаш учун спирт асосидаги антисептик мавжуд бўлиши керак.

7.7.4 Лифтларга ниқобларсиз кириш таъқиқланади.



БИБЛИОГРАФИЯ

- [1] СанҚМ № 0372-20 Covid-19 пандемияси даврида чеклаш тадбирларини қўлланиши шароитида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги вақтинчалик санитария қоида ва меъёрлари



БИБЛИОГРАФИК МАЪЛУМОТЛАР

СУТ 03.080.30

Мухим сўзлар: ижтимоий масофа, пандемия, санитария-гигиеник меъёрлар, шахсий ҳимоя воситалари, дозатор, ниқоб, қўлқоп



ЎЗГАРТИРИШЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВАРАҒИ

[illegible]